

Гапириш ва эшитиш қобилиятига эга бўлмаган аёл-қизлар учун намоз ўқиш бўйича видеоқўлланма



11:00 / 31.07.2021 1855

Muallim Media – илмий-маърифий маркази Muslima.uz сайти билан ҳамкорликда мухтарама муслималар учун ҳанафий мазҳабига кўра намоз ўқишни ўргатувчи видеоқўлланма тайёрлади.

Видеоқўлланма орқали опа-сингилларимиз намозни ўқишни тўла ўрганиши ёки кўпинча намоз ўқишда учрайдиган баъзи хато-камчиликларни тузатиб олиши мумкин.

Эътиборлиси, видеоқўлланма гапириш ва эшитиш қобилиятига эга бўлмаган кишиларга мўлжалланган бўлиб, намоз ўқиш қоидалари сурдо таржимон Зилола Маҳмудова томонидан сурдо тилига таржима қилинган. Видеоқўлланма 6 қисмдан иборат бўлиб, бугун эътиборингизга 1- қисмни тақдим этамиз.

Маълумот учун, имконияти чекланган азизлар ушбу махсус очилган [muallimsurdo](https://muallimsurdo.com) канали Muallim media, muslima.uz ва Bintu Sodik ijtimoiy-маърифий каналларида эфирга узатилган шу каби видео маҳсулотлар сурдо таржимаси билан бериб борилади.

[Биринчи қисм : намоздаги энг муҳим қоидалар](#)

- 00:00 - Кириш**
- 01:13 - Намознинг шартлари**
- 05:35 - Намознинг фарзлари**
- 08:51 - Намознинг вожиблари**
- 12:12 - Намознинг суннат ва мустаҳаблари**
- 16:16 - Намознинг макруҳлари**
- 18:47 - Намозни бузувчи амаллар**
- 20:57 - Беш маҳал намознинг вақтлари**
- 22:27 - Намознинг рақъатлари**

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати